

**2021**  
№2 Fevral (233)

ЭКОЛОГИЧЕСКИЙ ВЕСТНИК УЗБЕКИСТАНА  
ECOLOGICAL HERALD OF UZBEKISTAN

# EKOLOGIYA

XABARNOMASI



ISSN 2010-703X



9 772010 703004

# МУНДАРИЖА

## ЖАРАЁН

“Яшил” иқтисодиёт – экологик барқарорлик гарови!



### ГИПОТЕЗАЛАР-ТАДҚИҚОТЛАР-ИХТИРОЛАР



6

**Н. МУСАЕВА**

Кулжуқтоғ (Марказий Қизилқұм) палеоген ётқизиқларининг стратиграфияси ва фораминиферасини ўрганиш тарихи

**Ш. НУРМАТОВ, А. РАХИМОВ**

Иrrigation эрозиясига чалинган типик бўз тупроқлар шароитида тақрорий экинлар ва органо-маъданли компостларнинг тупроқнинг агрокимёвий хоссаларига таъсири



12

**Д. МАҲКАМОВА**

Жиззах чўлининг гипсли, шўрланган тупроқларига иқлим ўзгаришининг таъсири

**Э. СУВОНОВ**

Практические меры, реализуемые на осушенном дне Афральского моря



18

**Г. ХОЛДОРОВА**

Мирзачўл табиий ўлкаси ландшафтларининг ўзгаришида шамолнинг аҳамияти

**Н. АЛИМДЖАНОВ**

Агрокимёвий ифлосланишнинг олдини олишнинг ландшафт экологик асослари



24

**Н. ДАВЛАТОВ**

Новые данные о возрасте Султанбабинской свиты гор Кульджуктау (Центральные Кызылкумы)



30

**М. МОЙЛИЕВ, М. КАРАБАЕВ, Б. УРИНОВ**

Марказий Бўкантот маъдан қамровчи тоғ жинсларининг минералогик-петрографик таркиби (Қасқиртоғ, Бўзтоғ, Желсай майдонлари мисолида)



30

**З. АБДИЕВ, Б. АБДИЕВ, Ш. ШАРИПОВА**

Иссиқхоналарда гидропоника усулида озуқали эритмалар турлари ва мақбул озиқлантириш меъерини аниқлаш ва таққослаш

**Б. БАЗАРОВ, Э. ТУХТАНАЗАРОВ, Ж. ИБОДУЛАЕВ**  
Сравнительная оценка выбросов углекислого газа легкового автомобиля с двигателем Искрового зажигания, работающего Различных моторных топливах



Ахборот-тахлилий, илмий-амалий нашр

Информационно-аналитическое, научно-практическое издание

Information-analytical, scientific-practical edition

Муассис:  
Ўзбекистон Республикаси  
Экология ва атроф-мухитни муҳофаза килиш давлат кўмитаси

### ЭКОТАЪЛИМ



**38.**

**Н. БОЗОРОВА**  
Табиат муҳофазасида экологик таълимнинг аҳамияти

### ЭКОИННОВАЦИЯ

**Х. ТОЛИПОВ**

Қурғоқчил ҳудудларни боғу бўстонга айлантириш, экологик ёндашув ва иқлим учун хавфсиз амалиёт



**42.**

Таҳрир кенгаши раиси:

**А. МАҚСУДОВ**  
Таҳрир кенгаши аъзолари:  
**Б. ТАЖИЕВ,**  
**К. ТОЖИБОЕВ,**  
**Б. ХОЛМАТОВ,**  
**Х. ПҮЛТАТОВ,**  
**А. ХОЛМУРОДОВ,**  
**Б. НИШОННОВ,**  
**С. МУХТОРАЛИЕВ**

Бош мухаррир:  
**Н. АБДУЛАЕВА**

Бош мухаррир ўринбосари ва масъул котиб:  
**Г. МЕНГЗИЯЕВА**

Саҳифаловчи-дизайнер:  
**О. ЖУМАКУЛОВА**

Нашр Ўзбекистон Республикаси  
Олий аттестация комиссиясининг рўйхатига киритилган.

Обуна индекси: 910  
Таҳририят манзили: 100185  
Тошкент ш., Чилонзор тумани «Катортол»  
кўчаси 26-үй.  
[www.econews.uz](http://www.econews.uz)  
E-mail: chinorenk@mail.uz

Муаллифлар фикри таҳририят фикри билан тўғри келмаслиги мумкин.

### ЭКОЛОГИЯ ВА САЛОМАТЛИК



**44.**

**М. НИЗОМОВА**  
Доривор цистанхе (*sistanxe solsa*) ўсимлигининг тарқалиши ва улардан фойдаланиш, халқ табобатида ишлатилиши

Ўзбекистон ва Ҳиндистон: Барқарор ривожланиш ва эко-энергетика соҳасидаги ҳамкорлик ривожламоқда



**46.**

### ЭКОТУРИЗМ



**50.**

**Д. БОБОЕВА**  
Ўрмончилар экотуризм ривожига муносиб ҳисса қўшмоқдалар



**52.**

**53.**

### ЭКОСАНА

2 февраль -Бутунжаҳон сув-ботқоқ ҳудудлари куни  
19 февраль-Бутунжаҳон денгиз сутэмизувчиларини муҳофаза қилиш куни (китлар куни)

2008 йил 7 марта ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги (Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси хузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги) томонидан рўйхатта олинган.  
Рўйхатга олиш раками №0515

### ҚИЗИЛ КИТОБ САҲИФАЛАРИДАН



**54.**

**55.**

Бинафшаранг астрагал  
Туркман қулони

### ТУРФА ОЛАМ



**56.**

Қизиқарли 10 та экодалил

Босиша руҳсат этилди  
Формати 60x841/8.

Табоги 7 б.т.

Адади

Буюртма №\_\_\_\_\_

Баҳоси келишилган нархда.

"ECO TEXTILE PRODUCT" МЧЖ босма-хонасида оғсет усулида чоп этилди  
Матбаа гувоҳномаси раками № 10-3632  
Манзил: Тошкент шаҳри, Учтепа тумани, Тошкент Автомобиль ҳалка йўли, 11-км, 10-үй

# МИРЗАЧҮЛ ТАБИЙ ЎЛКАСИ ЛАНДШАФТЛАРИНИНГ ЎЗГАРИШИДА ШАМОЛНИНГ АҲАМИЯТИ

Г. ХОЛДОРОВА, Жиззах давлат педагогика институти  
«География ва иқтисодий билим асослари» кафедраси ўқитувчisi

Мирзачүл табиий ўлкаси республикамиз марказида жойлашган бўлиб, ранг-баранг табиати ва жозибадорлиги билан ажralиб туради. Ўлканинг рельефи шимоли-ғарбдан жануби-шарқقا кўтарилиб борганлиги сабабли 4 та баландлик миңтақа (чўл, адир, тоғ ва яйлов)лари кетма-кетлиқда алмашиниб келади. Мирзачүл табиий ўлкаси майдони нисбатан кичик ( $25,5$  минг км $^2$ ) бўлса ҳам тоғ ва текислик, чўл ва сув ҳавзаси ёки бўлмаса табиий ва антропоген ландшафтлар ёнма-ён ҳолда жойлашган ва ўзаро қарама-қаршиликлар таъсирида ривожланётган худуд ҳисобланади. Бу худуднинг маҳаллий даражадаги геоэкологик муаммоларини ечиш ва бартараф этиш учун, биринчи навбатда, ўлка табиий шароитини комплекс равишда ўрганиш ва мавжуд шароитдан келиб чиққан ҳолда амалий таклифлар ишлаб чиқиш зарурдир.

**Асосий қисм.** Мирзачүл табиий ўлкаси табиий географик ўрнига кўра, Сирдарёнинг ўрта оқимида, яъни Туркистон тизмасининг шимолий ёнбағридан то Сирдарё дарёсига қадар кенглиги  $70$ - $120$  км, Фарҳод коридори (Хўжанд дарвозаси)дан Чордара сув омборигача узунлиги  $150$  км дан ортиқ бўлган улкан текисликлардан иборат. Ўлка шимолда Қозогистон, шарқда Сирдарёнинг ҳозирги ўзани, жануби-шарқда Тоҷикистон, жанубда Туркистон, Молгузар


ва Нурота тоғлари, шимоли-ғарбда эса Қизилкум чўллари билан чегараланган. Ҳудуднинг ер юзаси нишаблиги унинг жанубий қисми – Ховос-Даштобод темир йўли атрофида  $0,006$  градусни ташкил этган ҳолда, шимолга қараб  $0,002$ - $0,003$  градусгача камаяди. Даштобод ва Зарбдор шаҳарлари атрофида мутлақ баландлиги  $373$ - $385$  м, энг паст жойи Мирзачўлнинг шимолий худудида  $240$  м ва ғарбида Тузкон кўли қирғоғида  $230$  м ни ташкил этади.

Мирзачўл табиий ўлкасининг жануби-шарқий ҳудудларида Туркистон, Молгузар ва Нурота тоғлари жойлашган. Туркистон тизмасининг энг баланд нуқтаси Шовқортог чўққиси бўлиб,  $4030$  м ни ташкил қиласди. Табиий ўлкани жанубдан ўраб турган тоғлар палеозой эрасининг герцин бурмаланишида кўтарилиган. Улар мезозой эрасида емирилиб, пасайган, натижада

ҳосил бўлган текисликларни денгиз суви босган.

Мирзачўл табиий ўлкаси ландшафт ва унинг компонентларини тадқиқ қилиш ўтган асрнинг бошида рекогносцировка характеристида олиб борилган бўлса, аср ўртасига келиб илмий ва амалий мақсадларда олиб борила бошланди. Аср охирига келиб эса олиб борилаётган илмий тадқиқотларнинг характеристири бир мунча ўзгарди ва дала-тадқиқот изланишларида илмий асосга эга бўлган мониторинг тизими татбиқ қилина бошланди.

ХХ асрнинг  $50$ - $60$  йиллардан бошлаб Мирзачўл табиий ўлкаси шарқий томондан ўзлаштириб келина бошланди. Натижада, табиий ресурслардан кенг кўламда фойдаланиш ҳисобига тупроқ, ўсимлик, ҳайвонот дунёси ва ер ости сувлари каби ландшафт компонентларининг динамик ҳолда ўзгариши кузатилди. Бу ўзгаришлар, ўз навбатида,



1-чизма. Мирзачўл табиий ўлкасида шамол гули орқали шамол йўналишларини аниқлаш

## 1-жадвал

Мирзачўл табиий ўлкасида шамолларнинг йўналиши

№	Шамолнинг йўналиши	Тақрорланиши %
1	Шимол	16
2	Шимоли-шарқ	26
3	Шарқ	12
4	Жануби -шарқ	5
5	Жануб	7
6	Жануби-ғарб	4
7	Ғарб	12
8	Шимоли-ғарб	18

табиий ландшафтларнинг ифлосланиши, табиат компонентлари орасида мутаносибликнинг бузилиши ҳамда инсон саломатлиги учун хавфли бўлган салбий оқибатларини юзага келтирмоқда.

Табиат ва жамият ўртасидаги муносабатларнинг ўзаро таъсирини ўрганиш борасида жуда кўплаб илмий тадқиқот ишлари олиб борилганлигининг гувоҳимиз. Бу тадқиқотлардан асосий мақсад худудлар табиатини комплекс тарзда ўрганиш ва таҳлил қилиш орқали “табиат-аҳоли-хўжалик” учлиги (триада) даги мувозанатнинг сақланишига эришишдир. “Табиат-аҳоли-хўжалик” тизимида мувозанатни сақлаш бугунги кунда нафақат табиатшунос олимлар олдида турган муаммо, балки барча соҳа олимларини ўйлантирадиган ва изланишга мажбур қиласидаги мувозанатнинг сифатида шаклланди. Табиат неъматларидан фойдаланишдан олдин, эҳтиёжларини билиш ҳамда мувозанатнинг бузилмаслиги учун табиат қонунларига амал қилиш лозимдир. Табиат ва жамият қонунларининг ўзаро ўйғунлигини кузатиш ва ўрганиш мақсадида Мирзачўл

табиий ўлкасида кўп йиллик тадқиқот ишлари олиб борилди.

Мирзачўл табиий ўлкасида олиб борилган кўп йиллик илмий тадқиқотлар хulosасига кўра, мавжуд геоэкологик муаммоларнинг аксарияти ўтган асрнинг 60-йилларида ўлкадаги қўриқ ерларни ўзлаштириш бошлангандан кейин шаклланган муаммолар эканлиги аниқланди.

Мирзачўл табиий ўлкасида қишлоқ хўжалиги мақсадида ўзлаштирилгунга қадар рельефи тўлқинсимон кўринишда бўлган. Ўлканинг ер юзаси тузилишига кўра шимол, шимоли-ғарбга нишаб бўлиб, бир неча қолдиқ ўзанлар (Ёғочота, Еттисой, Сардоба, Шўрўзак, Қорауй ва бошқалар) бор, улар орасида эса кўтарилган ерлар мавжуд. Бу баланд ерлар Боёвут, Мирзаобод, Мирзачўл, Ерижар массивлари деб юритилади. Боёвут массиви Сирдарё билан Еттисой ботиги орасида, Мирзаобод Ёғочота билан Сардоба ботиги орасида, Ерижар эса Шўрўзак ботиги билан Сирдарё орасида жойлашган. Бу массивлар нисбатан баланд бўлганидан ер ости сувлари чуқур жойлашган, тупроғи яхши бўлиб, Мирзачўлнинг ўзлаштирилган

ерлари, асосан, ўша ҳудудларга тўғри келади.

Мирзачўлда ўзлаштириш бошлангач, Боёвут, Мирзаобод, Мирзачўл, Ерижар массивлари улкан техникалар ёрдамида текисланди. Оқибатда, шимоли-шарқий ва шимоли-ғарбий ҳамда жануби-шарқдан эсадиган шамолларнинг табиий тўсиқларга учрамаслиги ҳисобига тезлиги 3–5 м/с. га ортганлиги кузатилди.

Мирзачўл табиий ўлкаси ландшафтларининг динамик ўзгиришида шамолларнинг таъсири сезиларли даражада бўлмоқда. Шамол таъсирида табиий ўлкада юз берётган ландшафтларнинг ўзгиришини баҳолашмиздан олдин шамол гули ёрдамида шамолнинг йўналишлари ўрганилди<sup>4</sup> (1-жадвалга қаранг).

Мирзачўл табиий ўлкасида эсаётган шамолларни пайдо бўлишига кўра шартли равишда ўлканинг табиий шароитига боғлиқ ва боғлиқ бўлмаган шамол турларига ажратиш мумкин. Мирзачўл табиий ўлкасида эсадиган шимоли-ғарбий, шимолий ва шимоли-шарқий шамоллар ўлканинг табиий шароитига боғлиқ бўлмаган ҳолда пайдо бўлувчи шамоллар ҳисобланади. Ушбу йўналишларда эсувчи шамолларнинг ўртача йиллик эсиш тезлиги маҳаллий метеорология станция (Жиззах, Дўстлик, Янгиер ва Сирдарё)лари маълумотига кўра 3–4,6 м/сек. атрофига бўлади.

Ўлканинг табиий шароитига боғлиқ ҳолда эсувчи шамолларга Айдар-Арнасой кўллар тизими билан қуруқлик ўртасида шаклланадиган бриз типидаги ҳамда тоғводий типидаги шамолларга

Туркистон тизмаси ва унинг тоғ олди текисликлари оралиғида әсувчи шамоллар мисол бўлади.

Айдар-Арнасой кўллар тизимининг майдони ( $3702 \text{ km}^2$ ) ва сув ҳажмининг ( $44,1 \text{ km}^3$ ) ортиши ҳисобига, ботиқнинг кўл ва қуруқлик ўртасида куёш радиациясининг тақсимланишидаги тафовутлари ортиб бормоқда. Бунинг оқибатида кундузи кўлдан қуруқликка, кечқурун эса, аксинча, қуруқликдан кўл томон бриз типидаги шамоллар әсади. Арнасой гидрометеология пункти маълумотларига кўра, бриз типидаги шамолларнинг тезлиги баҳор фаслида баъзан  $10-15 \text{ m/s}$  га етади.

Мирзачўл табиий ўлқасининг жанубий қисмлари Туркистон тизмаси билан тулаш бўлиб, улар оралиғида босимнинг ўзгариши ҳисобига баъзи кунлари тоғ-водий типидаги шамолларнинг эсиши кузатилади. Тоғ-водий типидаги шамоллар сутканинг биринчи ярмида Туркистон тизмасидан тоғ олди текислиги томон ҳаракатланадиган бўлса, куннинг иккинчи ярмида, аксинча, тескари йўналишда ҳаракат қиласди. Ушбу йўналишдаги шамолларнинг ўртacha тезлиги  $1-3 \text{ m/s}$  ни ташкил қиласди.

Мирзачўл табиий ўлқасидаги шамоллар йўналишини ўрганиш натижасида шимоли-шарқий йўналишдаги шамоллар кўп эсиши аниқланди (1-жадвалга қаранг).

Шимоли-шарқдан эсадиган шамоллар Мирзачўл табиий ўлқасида грунт сувлар таъсирида вужудга келган шўрхоклардаги тузни учириб, қайтадан ёйилишига сабаб бўлмоқда. Оқибатда, тупроқ

таркиби бузилиб, қишлоқ хўжалиги экинларининг маҳсулдорлиги 15-20% га пасайиб кетмоқда.

Шамол таъсирида табиий ўлқаннинг шимол ва шимоли-ғарбий ҳудудларида дефляция ҳолатлари вужудга келмоқда. Сабаби, бу ҳудуд чўл ландшафтидан иборат бўлиб, тупроқнинг ўсимликлар билан қопланиш дараҷаси жуда паст. Оқибатда, тупроқнинг майда ва қуруқ заррачалари шамол таъсирида емирилди ва шамол аккумуляциясини ҳосил қиласди. Шамол аккумуляциялари туфайли табиий ўлқада қумнинг ҳар хил рельеф шакллари - дюна, бархан ва қум марзалари вужудга келмоқда.

Ботаниколимларнинг маълумотига кўра, Мирзачўл табиий ўлқасида ўсимликларнинг бевосита 10 % и шамол таъсирида чангланиши ёки Айдар-Арнасой кўллар тизими акваториясидаги нам ҳаво массаларининг табиий ўлка бўйлаб қайта тақсимланишида шамолнинг аҳамияти ортиб бормоқда.

**Холоса.** Мирзачўл табиий ўлкаси ландшафтларига шамолнинг таъсирини аниқлаш натижасида қўйидаги холосалар ишлаб чиқилди:

Мирзачўл табиий ўлқасининг шимолий, шимоли-шарқий ва шимоли-ғарбий ҳудудларида ихотазорлар барпо қилиш орқали шамолнинг тезлигини  $3-5 \text{ m/s}$  га пасайтириш мумкин;

Мирзачўл табиий ўлқасининг шимоли-шарқий қисмларида шамолнинг тезлигини камайтириш учун кулис методидан фойдаланишни тавсия қиласиз. Сабаби, бу ҳудудлар қишлоқ хўжалиги мақсадида фойдаланадиган ерлар ҳисбланади. Кулис - асосий экинлар орасида кенглиги 2-4 метр оралиғида баланд пояли (кунгабоқар, маккажӯхори, жўхори ва бошқа) ўсимликлар экиб, шамол йўлини тўсувчи тўсиклар ҳосил қилишдир. Кулис методининг фойдали томони ер бағирлаб үсувчи экинларнинг шамол таъсирида заарланиши 20-30 % га камаяди;

Мирзачўл табиий ўлқасининг шимолий ва шимоли-ғарбий чўл ҳудудларида шамолнинг таъсирини камайтиришда механик тўсиклардан фойдаланиш лозим. Бунда ҳар бир 8-20 метрдан сўнг турли хил шоҳ-шабба ёки қамишлардан чавралар (қўралар) ясалади. Чавралар (баландлиги 40-60 см) шамол кучини сусайтиради ва қумни мустаҳкамлайди.

#### ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

Баратов П. Ўзбекистон табиий географияси // Тошкент: Ўқитувчи 1996 й 182 б.

Мирзачўл // Ўзбекистон Миллий энциклопедияси. Тошкент: Давлат илмий нашриёти, 2003. 5-жилд, - 696-697 б.

Ғўдалов М.Р. Айдар-Арнасой кўллар тизимининг ландшафтларга таъсири // Г.Ф.д. PhD илм. дар. олиш учун тақдим эт. дисс. авт. – Тошкент: 2019. -19 б.

Жиззах ва Сирдарё вилоятларининг Гидрометеорология хизмати маркази маълумотлари, 2019.